

БАДИЙ ТУКИМА - бадий асарнинг энг мухим шартларидан бири. Ижодкор бадий асар яратар экан, ўз гоёвий-бадий максadini амалга оширишга ёрдам берадиган воқеа-ходисаларни саралайди. Хаётда рўй берган ёки рўй бераётган ходисалар хамиша ҳам муаллиф максад-гоёспга тўлалигича мос келавермагач, адиб бадий тўкимага мурожаат килишига тўгри келади. Ёзувчи асар оркали ўртага ташламокчи бўлган фикрга, асар гоёсини юзага чиқаришга хизмат киладиган воқеа ва тимсолларни ижодий хаёл воситасида тўкиши, ўйлаб тоиши лозим бўлади. Демак, бадий асарнинг аксарият кисми ёзувчи ижодий хаёли - бадий тўкима самараси хисобланади. Хаётий факт ва ижодий хаёл махсули бўлмиш бадий тўкима адабий асар негизидир. Бадий тўкима тарихий шахслар ва воқеаларга багишланган асарларда ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Чунки муаллиф бўлиб ўтган воқеалар мохиятини тарихий маълумотлар оркали англаб ва хис килиб, уларни жонлантиради. Бунинг учун тарихий воқеа тафсилотларини ижодий-хаёлий тасаввур воситасида тўкиди, уларга муайянлик бахш этади.